

## **12-март: “Озиқ-овқат маҳсулотларининг гигиеник экспертизаси ва ГМО ва биофаол қўшимчалар”**

### **Режа:**

1. Аҳолининг Санитария-Эпидемиологик Осойишталиги тўғрисидаги қонунлар
2. Умумий қоидалар
3. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари
4. ГМО ҳақида тушунча
5. ГМО маҳсулотларининг салбий ва ижобий томонлари.

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### **2-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги** — аҳоли соғлиғининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш муҳити омилларининг зарарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар таъминланади;

**давлат санитария назорати** — аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолият;

**инсоннинг яшаш муҳити** — инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган объектлар, ходисалар ва атроф-муҳит омиллари мажмуи;

**санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар** — юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, маъмурий, муҳандислик-техник, тиббий-санитария чора-тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар;

**санитария-эпидемиологик вазият** — аҳоли яшаётган муҳитининг ва соғлиғининг муайян ҳудуддаги, кўрсатилган аниқ вақтдаги ҳолати;

**санитария-эпидемиология хизмати** — аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, орттирилган иммунитет танқислиги синдромига (ОИТСга) қарши курашиш марказларини, дезинфекция станцияларини, ўлат, карантин ва ўта хавфли инфекцияларни профилактика қилиш марказларини, илмий-тадқиқот муассасаларини ўз ичига олган ягона тизим;

**чекловчи тадбирлар (карантин)** — юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;

**юқумли ва паразитар касалликлар** — инсонга у яшаётган муҳитнинг биологик омиллари таъсир кўрсатиши ҳамда касалликка чалинган инсондан ёки ҳайвондан соғлом инсонга касаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва тарқаладиган инсон касалликлари.

## **5-модда. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари**

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари давлат органлари ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши шарт бўлган аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги талабларни белгилайдиган ҳужжатлардир.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланади ҳамда, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ҳозирги одамларни унча-мунча нарса билан ҳайратлантириб бўлмайди. Қўлимиздаги энг сўнгги русумдаги мобиль алоқа воситаси ёрдамида уйдан чиқмасдан дунёнинг нариги чеккасидаги одам билан боғлана олиш, ҳатто кундалик ҳар хил тўловларни ҳам шу восита орқали амалга ошириш имкони биз учун оддий ҳолга айланиб улгурди.

Шу билан бирга, тамаддун бугун тирик жонзотларда ўз таъсирини синаб кўришни ҳам аллақачон бошлаб юборди. Пластик жарроҳлик амалиёти ёрдамида қиёфани ўзгартиришу сунъий тана аъзоларини организмга қўйиш янгилик эмас. Истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари-чи? Яримфабрикатлар, сунъий озуқалар, таъм берувчилар ва ҳоказолар - гени ўзгартирилган, яъни қисқартма тарзда ГМО (гени модификацияланган организм) деб аталадиган маҳсулотлар истеъмолга кириб келмоқда.

### **ГМО НИМА ЎЗИ?**

ГМОга илмий тарзда шундай таъриф берилади: "Генетик модификацияланган организм (ГМО) - ирсият муҳандислиги усули билан генотипи сунъий ўзгартирилган организм. Бу таърифни ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларга нисбатан қўллаш мумкин. Қоидага биноан, генетик ўзгартириш илмий ва хўжалик мақсадларида қўлланади. Генетик модификация табиий ва сунъий мутациялашиш жараёнидан аниқ бир мақсадга йўналтирилгани билан фарқ қилади".

Демак, бу организмлар ўсимлик, жонивор ёки бирор микроорганизм ДНКсига бошқа ўсимлик, жонивор ёки микроорганизм генини "кўчириб ўрнатиш", "пайвандлаш" йўли орқали ҳосил қилинади. Энди бу маҳсулот трансген маҳсулотга айланади, чунки унда бир эмас, бир нечта генлар ўзаро чатишган. Айтайлик, совуқ иқлимга мослашмаган бирор мевани шундай иқлимли ўлкаларда етиштириш учун ген муҳандислари бу ўсимлик гени устида ишлайди. Совуққа чидамли бирор бошқа ўсимлик ё бўлмаса жонивор гени билан чатиштириш орқали мавжуд меванинг янги навини вужудга келтириш мумкин. Бу нав энди ўзининг илгариги табиатидан узоқлашиб, одамлар истаганидай - совуқ урмайдиган, паст ҳароратда ҳам ҳосил бера оладиган хусусиятга эга бўлади. Ёки зараркунандаларга қарши курашиш мақсадида ҳам шу йўл татбиқ қилинади. Яъни ген муҳандислиги қурт-кумурска емайдиган, турли ҳашаротлар тегмайдиган янги навли мева-сабзавот, донни турли хил генларни ўзаро уйғунлаштириш орқали ҳосил қилишлари мумкин.

Интернет манбаларининг гувоҳлик беришича, ген муҳандислигининг илк намунаси бўлган дастлабки трансген маҳсулотлар ўтган асрнинг 80-йилларида АҚШда етиштирилган. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги кунда бутун жаҳонда 100 дан ортиқ генетик модификацияланган ўсимликлар, ўнлаб ҳайвон ва парранда турлари парваришланаяпти. Ўз-ўзидан равшанки, уларнинг ҳаммаси инсон истеъмоли учун...

Бундай маҳсулотларни қидириб, узоққа бориш шарт эмас. Кейинги йилларда бизнинг бозорларга ҳам уруғи йўқ даражада, пўсти юпқа "америкача" тарвузлар кириб келди. Қип-қизил, пўсти юпқа ва силлиқ картошка, уруғини ажратиб олиб бўлмайдиган бодринг, помидор, булғор қалампири ҳам гени ўзгартирилган маҳсулотлар сирасига киради. Генетик ўзгартирилган гуруч ҳам истеъмомолга кириб келаяпти. Шунингдек, колбаса, сосиска каби маҳсулотларда гўшт ўрнини ирсий модификацияланган соя бемалол босади. Парранда маҳсулотлари ҳам шундай. Шоколад ва бошқа ширинликлар, кетчуп ва майонез, ҳар хил ичимликлар, ярим тайёр шўрва ва

лағмонлар, таомга қўшимча таъм берувчи зираворлар таркиби ҳам ГМОдан холи эмас.

### **ФЙДАЛИМИ ЁКИ ЗАРАРЛИ?**

Бу борада бош қотираётган мутахассисларни бугун икки гуруҳга ажратиш мумкин: ГМОни ёқловчилар ва унга қаршилар.

ГМО тарафдорлари бу ихтиро инсониятни келажакда муқаррар очликдан сақлаб қолиши тайинлигини даъво қилишади. Кундан-кунга Ер аҳолисининг сони ошиб бораяпти, уларнинг эҳтиёжини кондиришнинг ўзи бўлмайди. Таъкидланишича, трансген маҳсулотлар кишлоқ хўжалигида муҳим ўринга эга, турли вирус, касалликларга чидамли, турли иқлим шароитларида етиштириш учун қулай тарзда яратилгани боис хўжаликлар бюджетига зарар келтирмайдиган даражада серҳосил ва "жони қаттиқ" бўлади. Бу маҳсулотлар узок вақт сақлаш учун ҳам қулай. Демак, экспортнинг гуллаб-яшнашида муҳим. Қолаверса, ГМО инсониятнинг табиат устидан қозонган ғалабаси эмасми? Ахир лаборатория шароитида турли-туман генларни ўзаро частиштириш йўли билан илгари табиатда учрамаган тур ва навларни яратиш, шу орқали эволюция жараёнини назорат остида сақлаш имконияти туғилаяпти-ку! Хуллас, тарафдорлар трансген маҳсулотлар одамзод учун керак ва зарур деб ҳисоблашади.

Бир гуруҳ мутахассислар эса ГМОни мутлақо ёқлашмайди. Уларнинг фикрига кўра, бундай сунъий маҳсулотлар инсон саломатлигига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас. Зеро, зараркунанда ҳашаротлар уларга яқинлашмаётган экан, бу бежиз эмас. Ҳашаротлар табиатан жуда сезгир, улар ўзлари учун бир хавф борлигини билиб, бундай маҳсулотларга тегишмайди...

Бу борада ўтказилган текширув амалиётидан маълум бўлганлари эса ўйлантларли, ҳатто ташвишли.

Биринчи навбатда, бундай маҳсулотлар одам организмида аллергия таъсирчанликни келтириб чиқариб, иммун тизими фаолиятига зиён етказди. Модда алмашинуви бузилишига ҳам сабаб бўлиши эҳтимолга яқин. Тадқиқотларга кўра, трансген маҳсулотларни истеъмолга чиқариш

тақиқланган Швецияда аҳолининг фақат 7 фоизи аллергик хасталикларга чалинар экан. Бундай маҳсулотлар кенг кўламда истеъмол қилинадиган, ҳатто махсус ёрликда кўрсатилмайдиган АҚШда эса худди шу хасталик билан оғриганлар мамлакат аҳолисининг 70,5 фоизини ташкил қилади. Бу катта фарқ.

Қолаверса, генетик модификацияланган маҳсулотлар болалар организмига салбий таъсир ўтказиши аниқланган. Шу боис 2004 йилдан буён Европанинг бир қатор мамлакатларида 4 ёшгача бўлган болаларнинг таом рационига бундай маҳсулотларни киритиш тақиқланган. Бундан ташқари, бу маҳсулотларни доимий истеъмол қилган одам организми антибиотикларга нисбатан таъсирчанлигини йўқотади. Бу эса, равшанки, турли касалликларни даволашда жиддий тўсиқ бўлади. Оддий тумовни ҳам антибиотиклар ёрдамида тузатиб бўлмайди. Натижада ҳар хил суперинфекциялар пайдо бўлиши, улар оқибатида келиб чиққан касалликларни даволаш учун янги дори воситаларини ўйлаб топиш шарт бўлади. Ҳатто олимлар саратоннинг келиб чиқиш омилларидан бири гени ўзгартирилган маҳсулотлар эканини тасдиқлашди. Энг даҳшатлиси, ГМО келажак учун очликдан ҳам ёмонроқ хатар туғдиради: инсоннинг насл қолдириш қобилиятига дахл қилиш эҳтимоли юқори. Бунинг исботи сифатида айнан уруғи йўқ ҳисоби бўлган тарвузлару бодринг-помидорлар келтирилади. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг уруғини фақат сотиб олиш мумкин, уй шароитида олиб бўлмайди, чунки пуч ёки жуда мўрт.

## **МУНОСАБАТ**

Дунёнинг айрим мамлакатларида ГМОга қарши курашиш мақсадида зарур чоралар ишлаб чиқилган. Бу маҳсулотларга муносабат қонунан қатъий тартибга солинган, баъзи давлатларда ГМО умуман тақиқланган, яна айримларида таркибида ГМО мавжуд маҳсулотлар алоҳида махсус ёрликлар билан кўрсатилиши мажбурий қилиб белгиланган. Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатларнинг деярли барчасида "ГМОдан холи ҳудудлар" ташкил этилган ва бу ҳудудларда трансген ўсимликларни экиш қатъиян тақиқланган.

Жумладан, Италиянинг 25 та провинциясида трансген экинлар экиш қатъиян ман қилинган. Австрия, Германия, Люксембург, Португалия каби давлатларда генетик модификация қилинган жўхори, Саудия Арабистони ва Мисрда буғдой, Норвегияда антибиотикларга чидамли ГМО маҳсулотларини етиштириш ва сотиш қонунга зид ҳисобланади. Британия парламенти биносидаги барча ошхона ва тамаддихоналарда ГМО тақиқланган.

Бизда-чи? Албатта, Ўзбекистонда ҳам бу масалани ўрганиш мутахассислар олдида кўндаланг турган вазифалардан биридир. Шу йилнинг кузига қадар республика Парламентида ГМО сақловчи озуқа маҳсулотларининг Ўзбекистонга кириб келиши ва истеъмолини тақиқлаш масаласи кўриб чиқилади. “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Аҳолининг Санитария-Эпидемиологик Осойишталиги тўғрисидаги қонунларни санаб ўтинг
2. Мавзуга оид умумий қоидалар
3. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари нималардан иборат?
4. ГМО нима тушунасиз?
5. ГМО маҳсулотларининг салбий ва ижобий томонлари санаб ўтинг.